



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: uza.s@b2c.uz

2011-yil 1-iyul • №27 (4114)

СЎЗ ҚУДРАТИ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир кун байрамларга уланиб, байрамларга айланиб кетаётгани оддий ҳақиқат. Зеро, Истиқлолнинг ҳар кун бекиёс байрамдир.

Сўз ва қалам аҳли ўзларининг касб байрамлари – Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳодимлари кун муносабати билан Президентимизнинг йўллаган табригидан чексиз қувонч, ифтихор ва масъулият ҳиссини туйди. Бу табрик ҳар бир журналистга йўланган номадек юракдан жой олди, десак муболага эмас.

Табриқда сўз заҳматкашлари, сўз заргарларининг машаққатли меҳнатлари эътироф этилиб, шу билан бирга ўз қалами билан қалбларни яратувчанликка, бунёдкорликка ундайдиган касб эгаларининг давр талабига мос масъулияти, вазифалари алоҳида таъкидланади: "Бугун биз ХХI асрда глобаллашув деб ном олган, шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшар эканмиз ва ўз олдимизга Ўзбекистонни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадини қўйган эканмиз, давр талаблари билан ҳамоҳанг ва ҳамқадам бўлиб ҳаёт кечирганимиз зарурлигини ўзимиз учун яна бир бор аниқ-равшан тасаввур этиб олишимиз шарт".

Тасаввур – фикр маҳсули, ўйларнинг хотимаси, режаларнинг аввалидир. Режалар болалиқнинг, ўсмирликнинг илк ва мустақил пайдоверида орзулар пиллаояси бўлиб тўшалди.

Дарҳақиқат, замон билан ҳамнафас журналист бўлиши ният қилган киши зиммасига ёзилмаган вазифаларни юқлайдики, уни бажариш фақатгина касбга муҳаббатни эмас, ниятда фидоиликни, тинимсиз ва мунтазам изланишларни талаб этади.

Машаққатли касбнинг остонасига илк қадам қўйилиши биланқўп нарса зоҳир бўлади: меҳнат, ўқиш, изла-

ниш, таҳлил... бу қалам аҳли учун бир умр шиорга айлансагина қадамини босганда дадил, айтар сўзи кесгулик, эътирозлардан ҳоли – замон билан ҳамнафас бўлади.

"Айни пайтда бу йўналишда кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар, амалий ҳаётимизда тўсиқ бўлиб, ўзининг ечимини кутаётган масалалар ҳалибери кўпчилиги, ўйламанки, ҳаммамиз, авваламбор матбуот жамоатчилиги жуда яхши англаб, сезиб турибди".

Ҳа, қилинган ишлар билан бир қаторда баъзи муаммоларни ёритишга, танқидий чиқишларга гоҳида истиҳола қилдик, гоҳида журъатсизлик. Ўйлашиб қоламиз: ортга ва олдинга назар ташлаймиз. Камчиликлари тақдорламаслик, ўрганиш учун бизга пешвоз чиқаётган йўлларнинг – кўтловларнинг борлигидан севинамиз.

"Матбуот минбаридан айтилган сўз қандай қудратли акс-садо бериши мумкинлигини унинг таъсири ва самарасини ошириш аввало сизларнинг маҳоратингиз, ижтимоий позициянгиз, инсоний ва ижодий фазилатларингизга, ҳамиша масъулият туйғуси билан иш олиб боришингизга боғлиқ эканини миллионлаб муштарийлар яхши билди ва сиздан айнан шуни кутади". Ҳа сўзнинг қудратли акс-садосини ҳар бир соҳада, айниқса спортда яққол ҳис қиламиз. (Донишмандлар сўз амалнинг сояси, дейди. Зеро, аслият соядан бениҳоя фарқлиниши оддий ҳол).

Қисқа давр ичида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт иншоотларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларининг 80 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келиши барчамизни бирдек қувонтиради.

Давоми иккинчи саҳифада.



"Тоққа йўл" Ўрол ТАНСИҚБОВ

РАЙҲОН ИСИ

Ўтган йили талабалар шаҳарчасида ташкил этилган "Китоб дўкони"нинг очилиш маросимига тақдир қилган ижодкорлар саҳифада мен ҳам бор эдим. Тантана аққуланган, шаҳарча мутасаддилари, талабаларимизнинг яшаш жойлари билан бир танишинлар, дея рўпарадаги бинога бошлашди.

Беш қаватли тураржой атрофи (илгари бу бинолар "ётоқхона" дейиларди) кўркам гуллар билан зийнатланган. Ҳовлисига худди каттақон Хива гилами ёйиб қўйилгандек. Мен бу "гилам"га синчиклаб боқиб, унинг бами-соли нақшлардек товланаётган жилоси юксак дид билан экилган ранго-ранг нафис гуллардан "тўқилганини" пайкадим. Остонадан ичкарига ўтар эканмиз, бир пайтлар ҳориқий мамлакатта қилган сафарим, у ерда ҳам талабаларнинг яшаш шароити билан танишганим ёдимга тушди. Талабаларнинг истикомат хоналари, дам олиш жойлари, кироатхонаю мухташам залларни кўргач, ҳаммамиз хайратдан пол қолдик. Чўки ҳар биримиз ўзимиз ўқиган даврдаги яшаш шароитини кўз олдимиздаги файзу ҳашамат билан солиштириб кўргандик. "Бу-нақаси чет элда ҳам йўқ...", беихтиёр икром бўлдим мен. Бу гўзал масканга — ёшлик дийёрига алоҳида келиш, бу маъво билан яқиндан танишишга аҳд қилдим...

— Алло, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлигини?... Котиба киз Рўзимурод Чориев билан боғладик. Ўзимни таништириб, "Китоб дўкони" очилишида қўришганимизни ёдига солдим.

Давоми иккинчи саҳифада.

БАХШИ ШОИРЛАР БЕЛЛАШУВИ



Тошкент вилоятининг Паркент туманида бахши шоирлар ва оқинларнинг аънавий республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Маданий меросимизнинг ноёб дурдоналарини асраш, юртимизда фаоллаштиришга бахши-шоирлар, оқинлар, жировлар ва халқлар илоҳи билан яқиндан танишиш мақсадида ташкил этилган тадбирда вилоятлар ва Қорақалпоғистон республикасида қирқдан ортиқ ижодкор иштирок этди.

Муҳлислар "Алпомиш", "Авазхон", "Гўрўғли", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" каби дostonлардан парчалар тинглаш билан бирга, Ватан, дўстлик, меҳр-оқибат мавзудаги юморга бой термалардан баҳраманд бўлдилар. Қизиқарли чиқишларга бой бўлган фестивал ёш бахшилар маҳоратини синовда ўтказиш имконини ҳам берди. Улар орасида Зулхумор Шерназарова, Дилмурод Гулмуродов, Улзода Ҳўжаниёзова каби ёшларнинг ижроси олқишга сазовор бўлди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра бахши-шоирлар орасида Шерали Жумаев (Сурхондарё), халфа ва жировлар орасида Жонибек Пиёзов (Қорақалпоғистон Республикаси), оқинар орасида Қулмаҳон Дусенов (Тошкент вилояти, Қибрай тумани) биринчи ўринга лойиқ топилди. Шунингдек, энг умидли бахши, устоз-шоғирд аънавалари давомчиси каби номинациялар бўйича ҳам совринлар топширилди.

Эътироф

Австриянинг Инсбрук шаҳрида Осиё, Африка, Лотин Америка ҳамда Европа мамлакатларининг ХХ халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё давлатларидан ягона вакил сифатида Ўзбекистонлик киноижодкорлар иштирок этишди. Эллика яқин мамлакатнинг юздан ортиқ филми намойиш этилган мазкур нуфусли танловда режиссёр Нозим Аббосовнинг "Абадий қарғи" муаллифлик картинаси фахрли ўчинчи ўринни қўлга киритди. Ўшбу асар шунингдек "Муҳлислар эътирофига сазовор бўлган фильм" номинациясида ҳам ғолиб деб топилди.

Фестивал якунида мутахассислар томонидан кино санъати ривожланаётган Япония, Хитой, Жанубий Корея каби Осиё мамлакатлари қаторида юртимиз номи ҳам тилга олиниб, режиссёрларимиз сўнгги йилларда бу соҳада эришаётган ютуқлар алоҳида эътироф этилди.

Кино ижодкорларимиз ХХ халқаро кинофестивалда қозонган бу ғалаба мустақиллигимизнинг йиғирма йиллик тўйига муносиб тўхфа бўлди, дейиш мумкин.

"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" СОЛНОМАСИ

ҚУТЛОВ

1999 йил

Агарки, маданият одамзотни яхшилик сари бошлайдиган, дунёни нурафшон айландирган, жоҳиллик ва ёзузликни даф этадиган, бир сўз билан айтганда, инсонни инсон қиладиган қудратли куч бўлса, дунёдаги энг улкан ва таъсирчан бойлик — бу мусиқа санъатидир. Ҳаётбахш мусиқий оҳанглар одамнинг қалбига энг эзгу туйғуларни, инсонийликни уйғотади. Мусиқанинг бекиёс аҳамияти ҳам ана шунда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Шарқ тароналари" иккинчи халқаро мусиқа фестивали очилиш маросимидаги табрик сўзидан.

"Шарқ тароналари" иккинчи халқаро мусиқа фестивалида дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан келган санъаткорлар иштирок этди. Фестивал ғолибларини аниқлашда Токио университети профессори Харуми Кашима бошчилигидаги ҳайъат аъзолари иш олиб борди. "Шарқ халқлари мусиқа чоғулар" илмий-ижодий конференциясида ЮНЕСКО вакиллари, бутунжаҳон "Мерос" маркази директори, Франциялик олим Жан Дюринг, АҚШлик Филипп Скайлер каби санъатшунослар, шунингдек Ўзбекистонлик олимларнинг "Шарқ тароналари"нинг аҳамияти ҳақида маърузалари тингланди. Грузиялик, саудия арабистонлик, жанубий корейлик, тожикистонлик, хиндистонлик ва туркменистонлик санъаткорларнинг ижролари юқори баҳоланди.

ҲОЛИБЛАР

Фестивалнинг олий мукофоти

Гран-прига ҳамюртимиз, мумтоз кўшиқларимизнинг моҳир ижрочиси Насиба Сатторова сазовор бўлди.

Биринчи мукофот билан Юн Конг Сон (Жанубий Корея) ва Мухаммад Омон (Саудия Арабистони) тақдирланди.

Иккинчи мукофотга хиндистонлик Жаспирдер Нурула хоним ва Грузия санъати вакиллари — "Лашари" дастаси сазовор бўлди.


Учинчи мукофотни эса Али Хамидхон ва Фотиҳ Али Хон (Покистон) ҳамда Олим Бобоев (Тожикистон) қўлга киритди.

Любомир Матейко, санъаткор (Украина):

"Дунёда мусиқа фестиваллари озмунча эмас. Уларнинг кўпларида қатнашганман, кейинчалик машҳур бўлиб кетган санъаткорларнинг илк ижроларини тинглаганман. Аммо, Регистонда шохид бўлганим — бу нақ муъжизанинг ўзи, мафтункор спектакл ёки тугал бадиий асардир".

Дуад Рейнолдс, Калифорния университети профессори (АҚШ): "Қадим Самарқандда "Шарқ тароналари" фестивали иккинчи бор ўтказилишини эшитиб, гоъ қувондим. Фестивал бизнинг бу борадаги билимимизни янада бойитиш имкониятини яратмоқда. Шу вақтгача Шарқ ва Ғарб мусиқачилигининг энг эркин юлдузларини бир жойга жамловчи нуфузли кўрик ўтказилган деб. Мутахассисларнинг юксак баҳолаши бежиз эмас. Фестивал гоъ улкан имкониятлар яратиб беради".

Истиқлол фарзандлари



Қаҳрамон Ғуломжонов Наманган вилояти Уйчи туманида туғилган. Фортепиано ижрочилиги бўйича халқаро ва республика танловлари ғолиби. Қаҳрамон бугунги кунда Глиэр номидаги ихтисослашган мусиқа академик лицейининг фортепиано бўлими II-босқичида ўқийди.

Ўз муҳбиримиз.

Пойтахтимиздаги "Гранд нур" меҳмонхонасида "Номаддий меросни муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва таълим жараёнига тадбиқ этишнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Юртимизда номаддий мерос объектларини асраш тизимини ташкил этиш, бу йўналишда фаолият олиб бораётган институтлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида уюштирилган мазкур тадбирда кўплаб фольклоршуно, маданиятшуно олимлар, соҳанинг етакчи мутахассислари иштирок этди.

Анжуманда номаддий маданий мерос муҳофазаси бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, номаддий маданий меросни ҳужжатлаштириш, тарғиб қилиш ҳамда таълим жараёнига тадбиқ этиш мавзуларида маърузалар тингланди.

Анжуман

